

## Хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари асосида магистрлар тайёрлаш бўйича тўлов-контракт асосида қўшимча қабул квоталари 10 августгача давом этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги қарори ижроси юзасидан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида 2018-2019 ўқув йили магистратура қабули учун қўшимча квоталар ажратилди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 2018-2019 ўқув йили қабули учун хорижий олий таълим муассасалари, Мичиган университети (АҚШ), Нитра шаҳридаги Словакия қишлоқ хўжалиги университети (Словакия) билан қўшма таълим дастурлари асосида магистрлар тайёрлаш бўйича тўлов-контракт асосида қуйидаги мутахассисликлар бўйича 2018 йил 10 августгача қўшимча қабул эълон қилади:

Шифр	Магистратура мутахассисликлари	Ҳамкор хорижий олий таълим муассасаси номи	Тўлов-контракт асосида	
			Жами	Шу жумладан ўзбек рус
	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти		15	15
5A450208	Сув сифатини бошқариш	Америка қўшма штатлари, Мичиган университети	5	5
5A430503	Интеллектуал датчиклар ва технологиялар	Америка қўшма штатлари, Мичиган университети	5	5
5A630101	Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	Словакия Республикаси, Нитра шаҳридаги Словакия қишлоқ хўжалик университети	5	5